

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.05/29.04.2022.Qx.13.04 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ
КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ

ИСАМИДДИНОВ МУМИН МУҲАММАДОВИЧ

**ЭКСПОРТГА МЎЛЖАЛЛАНГАН ЎРИК (*Armeniaca vulgaris*), ШАФТОЛИ
(*Persica*) МЕВАЛАРИНИ ДАСТЛАБКИ СОВИТИШ ВА САҚЛАШНИНГ
ЗАМОНАВИЙ УСУЛЛАРИ**

06.01.11 – Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сақлаш ва қайта ишлаш

**Қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ –2025

**Қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертация
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертация доктора философии (PhD) по
сельскохозяйственным наукам**

**Content of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)
on agricultural sciences**

Исамиддинов Мумин Мухаммадович

Экспортга мўлжалланган ўрик (*Armeniaca vulgaris*), шафтоли (*Persica*)
меваларини дастлабки совитиш ва сақлашнинг замонавий усуллари 3

Исамиддинов Мумин Мухаммадович

Современные методы первичного охлаждения и хранения абрикосов
(*Armeniaca vulgaris*) и персиков (*Persica*), предназначенных для экспорта... 21

Isamiddinov Mumin Muxammadovich

Modern methods of initial cooling and storage of apricots (*Armeniaca vulgaris*)
and peaches (*Persica*) intended for export 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 43

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.05/29.04.2022.Qx.13.04 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ
КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ

ИСАМИДДИНОВ МУМИН МУҲАММАДОВИЧ

**ЭКСПОРТГА МЎЛЖАЛЛАНГАН ЎРИК (*Armeniaca vulgaris*), ШАФТОЛИ
(*Persica*) МЕВАЛАРИНИ ДАСТЛАБКИ СОВИТИШ ВА САҚЛАШНИНГ
ЗАМОНАВИЙ УСУЛЛАРИ**

06.01.11 – Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сақлаш ва қайта ишлаш

**Қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ –2025

Фалсафа доктори (PhD) диссертация мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясида B2023.2.PhD/Qx1152 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент давлат аграр университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус ва инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.tdau.uz) ва «Ziyonet» Ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Одинаев Мирзамад Исаевич

қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори,
доцент

Расмий оппонентлар:

Муминов Нажмиддин Шамсиддинович,

техника фанлари доктори, профессор

Джамалов Зоҳид Зафарович,

техника фанлари бўйича фалсафа доктори

Етакчи ташкилот:

Термиз давлат муҳандислик ва агротехнологиялар университети

Диссертация химояси Тошкент давлат аграр университети хузуридаги DSc.05/29.04.2022.Qx.13.04 рақамли Илмий кенгашнинг 2025 йил 8 август соат 10:00 даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100140, Тошкент, Университет кўчаси, 2-уй. Тел.: (+99871) 260-48-00; факс: (+99871) 260-38-60; e-mail: tuag-info@edu.uz; Тошкент давлат аграр университети Маъмурий биноси, 1-қават, анжуманлар зали).

Диссертация билан Тошкент давлат аграр университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (553372-рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100140, Тошкент, Университет кўчаси, 2-уй. Тошкент давлат аграр университети, Ахборот ресурс маркази биноси. Тел.:(+99871)260-50-43).

Диссертация автореферати 2025 йил 28 июль куни тарқатилди.

(2025 йил 18 июндаги 28-рақамли реестр баённомаси).

Ш.И.Асатов,

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, қ.х.ф.д., профессор

М.З.Холмуротов,

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, қ.х.ф.д. (PhD), доцент

С.А.Юнусов,

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, қ.х.ф.д., профессор

КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда аҳолини озиқ-овқат истеъмол талабида данакмевалилар, жумладан, ўрик ва шафтоли мевалари ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлиб, экспортбоп товар сифатида етакчи ўринлардан бирини эгалламоқда. “Дунёда ҳар йили 3,9 млн. тоннага яқин ўрик етиштирилса, шундан энг кўп етиштириш бўйича Туркия етакчилик қилади ва 730 минг тонна ўрик ҳосили олинади. Шунингдек, Эрон (306,1 минг т.), Жазоир (256 минг т.), Италия (237 минг т.), Покистон (177,6 минг т.) ва бошқа давлатларда ҳам кўплаб ҳосил етиштирилади.

Ўзбекистон ҳам йирик ўрик етиштирувчилардан бўлиб, ялпи ўрик ҳосили бўйича дунёда 2-ўринда туради ва йилига 662,1 минг тонна ўрик ҳосили олинади”¹. Шафтоли меваси дунё бўйича ҳар йили 25 млн. тонна етиштирилади. Ялпи ҳосил ҳажми бўйича етакчи давлатлар – “Хитой (14,5 млн. т.), Испания (1,5 млн. т.), Италия (1,4 млн. т.) ҳисобланиб, бу руйхатда Ўзбекистон 13 – ўринда туради ва йилига 226 минг тоннадан ортиқ шафтоли ҳосили олинади”². Аҳолини йил давомида сифатли маҳсулот билан таъминлаш учун меваларни сақлаш долзарб вазифалардан бири ҳисобланади.

Жаҳоннинг кўплаб мамлакатларида меваларни сақлаш бўйича қатор илмий-тадқиқотлар олиб борилган. Олиб борилган илмий – тадқиқотларда асосан уларни қадоқланиши ва нав танлаш бўйича илмий-амалий тавсиялар берилган. Айниқса, Туркия, Эрон ва АҚШ олимлари томонидан данакмевалиларни қуритиш технологиясига асосий урғу берилиб, аксарият тадқиқотлар меваларни қуритиш жараёнларини такомиллаштириш бўйича олиб борилган. Шунингдек, Ўзбекистонда ҳам бир қатор олимлар томонидан меваларни сақлашга йўналтирилган илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Бу борада, меваларни сақлаш усулларининг тайёр маҳсулот сифатига таъсири бўйича илмий изланишлар етарлича эмас. Шу сабабли ўрик ва шафтолини етиштирилган ҳудуднинг эко-географик хусусиятларининг унинг технологик элементларига боғлиқлигини ўрганиш, сақлаш жараёнларига алоҳида эътибор берилмоқда.

Республикамиз ўрик ва шафтоли меваларини анъанавий усулларда сақлаш бўйича бир қатор илмий изланишлар олиб боришиб, муайян натижаларга эришилган. Бироқ экспортга мўлжалланган меваларни дастлабки совитиш ва сақлаш бўйича тадқиқотлар етарли эмас. Ўзбекистон Республикасининг 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида “Қишлоқ хўжалигини илмий асосда интенсив ривожлантириш орқали деҳқон ва фермерлар даромадини камида 2 баравар ошириш, қишлоқ хўжалигининг йиллик ўсишини камида 5 фоизга етказишда, айниқса, 2026 йилга бориб озиқ-овқат маҳсулотлари ҳажмини 7,4 млн. тоннага, қайта ишлаш даражасини мевасабзавот бўйича 28 фоизга етказиш”³ га алоҳида эътибор қаратилган. Бу вазифалар ижросини таъминлаш, жумладан данакли ва уруғли меваларни турли

¹ www.atlasbig.com/ru/страны-по-производству-абрикосов

² www.atlasbig.com/ru/страны-по-производству-персика-и-нектарина

³ O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2022 — 2026-yillarga mo‘ljallangan 28.01.2022 yildagi Yangi O‘zbekistonning taraqqiyot strategiyasi to‘g‘risidagi PF-60-son Farmoni

усулларида қўшимча қиймат қўшилган холда, сақлаш ва қайта ишлаш йўли билан, сифатли маҳсулотлар тайёрлаш натижасида юқори самарадорликка эришиш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 16 февралдаги ПФ-36-сон “Республикада озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида” ги Фармони, 2021 йил 15 декабрдаги ПК-52-сон “Мева-сабзавотчилик соҳасини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, тармоқда кластер ва кооперация тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг V. «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф муҳит муҳофазаси» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Дунёнинг кўп мамлакатларида (Хитой, Ҳиндистон, АҚШ, Япония, Покистон, Буюк Британия, Германия, Россия) данакли ва уруғ мевали маҳсулотларини сақлаш бўйича Т.N.Tulasidas, С.Ratti, S.Mujumdar, N.Netreba, I.Doymaz, A.Wiktor, С.Siemer, S.Тоepfl, К.Rybak, E.Gondek М.В.Лыков, А.С.Гинзбург, В.В.Красников, С.Г.Ильясов, И.А.Рогов, А.М.Остапенков, К.Г.Милицер, Р.Штраус ва бошқа каби етакчи олимлар томонидан илмий-тадқиқот ишлари олиб борилган.

Ўзбекистонда мева-узум маҳсулотларини сақлаш бўйича З.С.Салимов, Н.Р.Юсупбеков, О.Ф.Сафаров, Х.С.Нурмухамедов, Ж.М.Қурбонов М.М.Мирзаев, Х.Б.Шаумаров, З.С.Искандаров, Х.Ч.Буриев, Х.Ф.Жўраев, Р.Ж.Жўраев, Р.М.Ризаев, М.И.Одинаевлар томонидан кенг қамровли илмий изланишлар олиб борилган.

Бугунги кунда данакли мева маҳсулотларини ишлаб чиқариш самарадорлигини янада ошириш, хомашёга ишлов бериш усулларини такомиллаштириш, сақлаш жараёнларига ресурс ва энергия тежамкор самарали техника ва технологияларини тадбиқ этиш бўйича етарлича илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмаган. Шу муносабат билан диссертация тадқиқотининг асосий вазифасига кўра, ўрик ва шафтоли меваларининг сақлашга яроқли навларни танлаш ҳамда турли усулларида сақлашни мевалар сифатига таъсирини аниқлаш, шунингдек, амалиётга тадбиқ этиш долзарб вазифа бўлиб қолмоқда. Ушбу масалаларни ҳал этиш эса бугунги кунда республикада ўрик ва шафтоли меваларини экспорт қилиш истиқболини сезиларли даражада ошириш имконини берувчи қатор муаммоли масалалар ечимига қаратилган.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент давлат аграр университетининг халқаро USAID ташкилоти томонида молиялаштирилган № 72011520C00002 рақамли “Қишлоқ хўжалик маҳсулотларида қўшимча қиймат занжирини яратиш ва ривожлантиришда совуқхона ва совуқ занжир ўрни ва уни бошқариш” мавзуси асосида бажарилган (2020-2022 йиллар).

Тадқиқотнинг мақсади. Ўрик (*Armeniaca vulgaris*), шафтоли (*Persica*) меваларини дастлабки совитиш ва сақлашнинг замонавий усулларини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

сақлаш учун ўрик ва шафтолининг мақбул навларини ажратиш ва дастлабки ишлов беришнинг ноанъанавий усулларини ишлаб чиқиш;

ўрик ва шафтоли меваларини сақлашнинг самарали усулларини таҳлил қилиш ва аниқлаш;

ўрик ва шафтоли меваларини сақлаш давомида дастлабки совитиш жараёнида фаол совитиш жараёнини қўлланилишининг технологик кўрсаткичларга таъсирини аниқлаш;

ўрик ва шафтоли меваларини сақлаш жараёнида сифат ва хавфсизлик кўрсаткичларига ҳамда экспорт қилишда биопрепаратларни қўллаш таъсирини ва самарадорлигини аниқлаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида республикада районлаштирилган ўрикнинг: Исфарақ, Шалах, Курсадық, Хурмаи, шафтолининг: Элберта, Малиновъй ва Лола навларининг мевалари олинган.

Тадқиқотнинг предмети бўлиб ўрик ва шафтолининг навлари бўйича физик-кимёвий кўрсаткичлари, сақлаш учун ажратиб олинган ўрик ва шафтоли навларининг биокимёвий ва технологик хусусиятлари, сақлашнинг технологик жараёнлари хизмат қилган.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда ўрик ва шафтоли меваларини қуритиш “Давлатлараро стандартлаштириш, метрология ва сертификация-лаш” кенгаши томонидан қабул қилинган 34130-2017 ГОСТи бўйича, сақлашга жойлашдаги сифат кўрсаткичларини аниқлаш бўйича ГОСТ 34314-2017 давлатаро стандарти, ўрик ва шафтоли меваларининг таркибидаги қуруқ модда миқдорини ГОСТ ISO 2173-2013 стандарти, ўрик ва шафтоли меваларини совуқхоналарда сақлаш бўйича ГОСТ 27819-88 стандарти, ўрик ва шафтоли меваларини таркибидаги витаминларни аниқлаш бўйича ГОСТ 25999-83 стандарти, ўрик ва шафтоли меваларини сақлашгача ва сақлашдан кейинги таркибидаги моно ва дисахаридлар, органик кислоталар, пектин моддалари-карбазол усули билан; ўрик ва шафтоли меваларини татиб кўриш орқали органолептик баҳолашни ГОСТ 8756.1 стандарти билан, ўрик ва шафтоли мевалари сифатини сертификатлаш ва назорат қилиш бўйича FFV-50 талабларидан фойдаланилган, маҳсулотларни органолептик таҳлил қилишда муҳимлик коэффициентларини аниқлашда Е.П.Широков ва В.И.Полегаевлар томонидан мева-сабзавотлар сифатини баҳолаш бўйича ишлаб чиқилган услубларидан, ўрик ва шафтоли меваларининг биокимёвий таркибини таҳлил қилишда А.И.Ермакованинг «Методы биохимического исследования растений» услубий қўлланмаси асосида, тажрибаларда олинган натижалар статистик таҳлили «Excel 2010» ва «Statistica 7.0 for Windows» компьютер дастурларида, 0,95% ишонччилик оралиғи билан Б.А.Доспехов (1985) услуби бўйича математик-статистик таҳлил қилинган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор Ўзбекистонда ўрик ва шафтоли меваларини совуткичли омборларда сақлашда 20% плескилл 200 г/кг тиабендазол фумиганти ва метилциклопропен

бирикмаси (1-МСП) билан дастлабки ишлов берилиши натижасида сақланувчанлик 18-20% га ошиши исботланган;

сақлаш учун ўрикнинг Исфарак ва шафтолининг Элберта навлари мақбул эканлиги, дастлабки совитиш жараёнида фаол шамоллатиш тизимини қўллаш натижасида меваларнинг ҳароратини терим пайтидаги ҳарорати (25-28°C) дан 2°C туширишда сарфланадиган вақт 360 дақиқадан 160 дақиқага камайиши, шунингдек маҳсулот таркибининг сифати сақланиб қолиши аниқланган;

сақлаш камерасидаги нисбий намлик даражаси дастлабки совитиш жараёнида меваларнинг ҳароратини пасайиши жадаллигига таъсир қилиши, ҳавонинг нисбий намлиги 95% бўлиши мевалардаги ҳароратини пасайтириш жадаллигини 12-15% тезлаштирилиши, сақлаганда умумий йўқотишлар оддий совутиш камерасида сақланган ўрик мевалари учун 3-5 марта, шафтоли мевалари учун 2-3,5 марта кам бўлиши, биокимёвий таркибининг ўзгариши оддий усулга нисбатан кам бўлиши аниқланган;

сақлаш ва экспортга жўнатишдан олдин ўрик ва шафтоли меваларига метилсиклопропен препарати билан ишлов беришда энг мақбул усули тутатиш эканлиги, шунингдек, энг самарали ҳарорат 4-8°C оралиғида бўлиши исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

ўрик ва шафтоли меваларини сақлашда 20% плескилл 200 г/1 кг тиабендазол фумиганти ва метилсиклопропен бирикмасининг (1-МСП) 0,08% эритмаси билан дастлабки ишлов берилиши натижасида сақланувчанлик 18-20% га ошиши аниқланган. Бу усулни қўллаш самарадорлик даражасини янада ошишига хизмат қилади;

ўрик ва шафтоли меваларини сақлашда дастлабки совитиш жараёни ишлов бериш усулига қараб турлича давом этиши, меваларнинг ўртача ҳарорати йиғиб -териб олинган пайтда 28°C бўлган бўлса, уларнинг ҳароратини 2°C тушириш учун 360 дақиқа сарфланиши натижасида таркиби кечадиган биокимёвий жараёнлар таъсирида сақлаш давомида йўқотишлар кўп бўлади. Фаол шамоллатиш тизими билан жиҳозланган совутиш камерасида эса 160 дақиқа сарфланиши бир тарафдан вақтни тежаса, иккинчи тарафдан меванинг биокимёвий таркибидаги ўзгаришлар бошланишини олдини олади;

оддий совутиш камерасида дастлабки совутиш амалга оширилганда ҳавонинг нисбий намлиги 85% бўлган шароитда ҳароратни 2°C тушириш учун 360 дақиқа вақт сарф бўлди. Ҳавонинг нисбий намлиги 90% бўлганда эса 320 дақиқада ҳарорат зарур бўлган меъёргача пасайди. Совутиш камераси ичида ҳавонинг нисбий намлиги 95% бўлганда эса ҳароратни 2°C туширгунга қадар 280 дақиқа вақт сарфланди. Бундан хулоса қилиш мумкинки, ҳавонинг нисбий намлиги қанчалик юқори бўлса, совитиш жараёни шунчалик жадаллашади;

ўрик мевалари оддий совуткичли омборларда сақланганда фаол шамоллатиш тизими билан жиҳозланган сақлаш камераларида сақлаганга қараганда 3 марта кўп вазн йўқотади. Жумладан, Кўрсодиқ навида оддий совуткичли камерада 10 кун давомида сақланганда мева вазнида камайиш 0,7 г, яъни 1,87% ташкил қилган бўлса, фаол шамоллатиш тизими билан жиҳозланган камерада сақланган меваларда вазнининг камайиши 0,2 г, яъни 0,53% бўлган;

Ўрик ва шафтоли меваларини оддий совуткичли омборларда сақлашда фаол шамоллатиш тизими билан жиҳозланган сақлаш камераларида сақлаганга қараганда 3,5 марта кўп йўқотишларга дуч келади. Исфарақ нави меваларини оддий совуткичли камерада 10 кун давомида сақланганда умумий йўқотишлар миқдори 6,02% ни ташкил этса, фаол шамоллатиш тизими билан жиҳозланган камерада сақланган меваларда умумий йўқотиш 1,78%, органиолептик баҳоси 4,4 балл бўлган;

Ўрик ва шафтоли меваларини сақлаш иқтисодий жиҳатдан ижобий самара беради. Жумладан, ўрикнинг Исфарақ навини 20 кун давомида сақлаш учун сарф бўлган умумий харажатлар 122 млн. 9 минг 250 сўмни ташкил қилган. Меваларни сақлашдан кейин қолган 14,1 тонна маҳсулотнинг ҳар бир килограмми 15 минг сўмдан сотилиб, 211 млн. 282 минг 500 сўм даромад қилинган. Бунда соф фойда 89 млн 273 минг 250 сўмни, иқтисодий самарадорлик 173,2% ташкил этган;

шафтолининг Элберта навини 20 кун давомида сақлаш учун сарф бўлган умумий харажатлар 148 млн 131 минг 500 сўмни ташкил қилган. 20 кун сақлаш натижасида йўқотишлардан кейин қолган 15,1 тонна маҳсулотнинг ҳар бир килограмми 16 минг сўмдан сотилиб, 242 млн 211 минг 200 сўм даромад қилинган. Ушбу жараёндан соф фойда 94 млн 79 минг 700 сўмни, иқтисодий самарадорлик 163,5% ташкил этган.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги: тадқиқот мавзуси бўйича назарий кузатув ва лаборатория, совуткичли омборларда тажрибаларининг мунтазам апробация кўригидан ўтказилганлиги; илмий ҳисоботларнинг муҳокама этилганлиги; тажриба маълумотларига математик-статистик ишлов берилганлиги, ижобий натижаларнинг ишлаб чиқариш синовидан ўтказилганлиги; тадқиқот натижаларининг хорижда ва республикада ўтказилган нуфузли илмий-амалий конференцияларда муҳокама қилинганлиги, ОАК рўйхатига кирган илмий нашрларда мақолалар чоп этилганлиги, шунингдек мевали ўсимликлар билан илмий тадқиқотлар олиб боришда ҳисоблар ва кузатувлар методикаси ишлаб чиқилганлиги билан исботланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундаки, ўрик ва шафтоли меваларини сақлаш усулларини такомиллаштириш орқали сақланган меваларнинг биокимёвий таркибини ўзгаришининг олдини олиш ва сифат кўрсаткичларини сақлаб қолишда метаболизм жараёнини секинлаштиришга асосланган. Бунда, мевалардаги биокимёвий ўзгаришлар, витаминлар ва минерал моддаларнинг йўқолиши, сақлаш жараёнининг тўғри ташкил этилмаганлиги сабабли тезлашади. Шунингдек, меваларнинг жараёнлардаги метаболизм фаолиятини секинлаштириш, уларнинг сақлаш муддатини узайтириш ва уларнинг сифатини сақлашга ёрдам беради. Мева таркибидаги ферментлар фаолиятини тўғри назорат қилиш, кислота ва углеводларнинг концентрациясини мўъжизавий даражада сақлаб қолиш, муҳим микронутриентларнинг ошишини таъминлаш, меваларнинг органиолептик ва тижорат қадрини сақлаб туришга ёрдам беради.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти шундаки, республикада районлаштирилган ҳамда истиқболли ўрик ва шафтоли навларининг сақлаш муддатини 10 кундан

20 кунгача узайтиришга доир таклиф ва тавсиялар тайёрланган. Бу эса кўп жихатдан технология ва сақлаш шартларини яхшилаш, хусусан, меваларнинг сақланиш шартларини белгиланган температура режимлари, намлик даражаси ва ҳаво алмашинуви билан мувофиқлаштириш орқали амалга оширилади. Меваларнинг молиявий қадри ва улардан олинадиган даромад ҳам ўзгаришлардан бевосита боғлиқ бўлиб, меваларнинг сифатини сақлашга оид қўлланилаётган усуллар, бевосита агрономик ва маркетинг стратегиялари билан ҳам боғлиқдир. Бунинг натижасида, меваларнинг сақланиш муддати узайтиб, унинг тижорат қадри ошиб, фермерлар ва ишлаб чиқарувчилар учун кўпроқ фойда олиш имконини яратади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ўрик ва шафтоли меваларини сақлаш жараёнларини такомиллаштиришни илмий асослаш бўйича олиб борилган илмий-тадқиқот натижалари асосида:

Наманган вилояти Турақўрғон тумани “Абдугаффор Яндама Минилогистика” МЧЖ да 60 тонналик совитиб сақлаш омборхонасида ўрикнинг Шалах, Исфарак, Курсодиқ ва Хурмаи ва шафтолининг Элберта, Малиновый ва Лола навлари меваларини сақлашда дасталабки совитиш технологияси жорий қилинган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2023 йил 26 августдаги № 07/34-06/938 сон маълумотномаси). Натижада маҳсулотни 4000 сўм оралиғида сотиш ҳисобига ялпи даромад 240 000 000 сўм, иқтисодий самарадорлик 125% ни ташкил этган.

Андижон вилояти Булоқ боши тумани “Дуланалик боғбон” Фермер хўжалигига қарашли 15 тонналик совитиб сақлаш омборхонасида ўрикнинг “Шалах, Исфарак, Курсодиқ, ва Хурмаи” ва Шафтолининг “Элберта, Малиновый ва лола” навлари меваларини сақлаш, сақлашга совитиш ва совитиш жараёнида меваларини терилганидан кейин биринчи 12 соат ичида маҳсулот ҳароратини +27°C дан +2°C га тушириш, фумигацион шашка (тиабендазол таркибли) ва метилциклопропен билан ишлов бериш технологияси жорий этилган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2023 йил 26 августдаги № 07/34-06/938 сон маълумотномаси). Натижада маҳсулотни 5000-6000 сўм оралиғида сотиш ҳисобига 75 000 000 ялпи даромад олинган, иқтисодий самарадорлик 145% ни ташкил этган.

Фарғона вилояти Олтиариқ тумани “Хайрулла Баҳром Бойматов” фермер хўжалигига қарашли 80 тонналик совитиб сақлаш омборхонасида ўрикнинг Шалах, Исфарак, Курсодиқ ва Хурмаи ва шафтолининг Элберта, Малиновый ва Лола навлари меваларини терилганидан кейин дастлаб 12 соат ичида маҳсулот ҳароратини +27°C дан +2°C га тушириш, фумигацион шашка (тиабендазол таркибли) ва метилциклопропен билан ишлов бериш технологияси жорий этилган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2023 йил 26 августдаги № 07/34-06/938 сон маълумотномаси). Натижада, маҳсулотни 5000-6000 сўм оралиғида сотиш ҳисобига 400 000 000 ялпи даромад олинган, иқтисодий самарадорлик 147%ни ташкил этган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 12 та, жумладан 7 та халқаро ва 4 та халқаро ва республика илмий-амалий конференцияларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 12 та илмий иш, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 7 та мақола 5 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда, шунингдек 4 та конференцияларда 2 таси хорижий 2 таси республика конференцияларида нашр этилган, шунингдек 1 та монография чоп этилган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида илмий тадқиқот ишининг долзарблиги ва зарурияти асослаб берилган, унинг республикада фан ва технологияларнинг устувор йўналишлари билан узвий боғлиқлиги кўрсатилган. Шунингдек, мавзу бўйича олиб борилган илмий изланишлар таҳлил қилиниб, муаммонинг ўрганилганлик даражаси баён этилган. Тадқиқот диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режаси билан мувофиқлиги асосланган. Шу билан бирга, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари аниқланган, унинг объекти ва предмети белгиланган. Тадқиқотнинг илмий янгилиги, амалий аҳамияти ва олинган натижаларнинг ишончлилиги келтирилган. Шунингдек, тадқиқот натижаларининг назарий ва амалий аҳамияти ҳамда уларни амалиётга жорий этиш имкониятлари ҳақида маълумотлар берилган. Тадқиқот натижаларининг апробацясига ва улар асосида чоп этилган ишлар ҳақида маълумотлар тақдим этилган. Диссертациянинг умумий ҳажми ва қисқача таркиби ҳақида ҳам маълумотлар баён этилган.

Диссертациянинг «**Ўрик (*Armeniaca vulgaris*), шафтоли (*Persica*) меваларини дастлабки совитиш ва сақлаш технологияси**» деб номланган биринчи бобида ушбу мавзуга оид хорижий ва маҳаллий олимлар томонидан олиб борилган илмий тадқиқотлар ҳамда адабий манбалар таҳлил қилинган. Шунингдек, жаҳон ва Ўзбекистон шароитида ўрик ва шафтоли етиштиришнинг ҳолати, уни сақлаш ва қайта ишлашнинг ўзига хос жиҳатлари ёритилган. Қуритишга мўлжалланган ўрик ва шафтоли навларининг технологик хусусиятлари, ўрик ва шафтолини қуритиш жараёнларини ташкил этиш масалалари ҳамда турли қуритиш усулларини жорий этиш технологиялари бўйича мавжуд адабиётлар таҳлил қилинган ва тавсифланган.

Диссертациянинг «**Тадқиқот ўтказиш шароити ва услуги**» деб номланган иккинчи бобида ишлаб чиқилган мавзу бўйича асосий дала тажрибалари ўтказилган ҳудуднинг тупроқ-иқлим шароити, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари ва объекти тўғрисида маълумотлар берилган. Шунингдек, тажрибаларни ўтказиш услублари кенг ёритилган. Бобнинг «Тадқиқот объекти, предмети ва услублари» бўлимида ишлаб чиқилган мавзу доирасида ҳар бир алоҳида тажрибани ўтказиш услублари тавсифланган. Дала тажрибалари ва лаборатория таҳлилларини олиб бориш методикаси, тажрибаларда қўлланилган кузатувлар ва ҳисоботлар ҳақида

маълумотлар келтирилган. Шунингдек, тажриба натижаларига математик ва статистик ишлов бериш тартиби ҳам баён этилган.

Диссертациянинг «**Ўрик ва шафтоли меваларини совиткичли омборларда сифатли сақлашга таъсир этувчи омилларни тадқиқ этиш**» деб номланган учинчи бобида сақлаш учун қулай бўлган ўрик ва шафтоли меваларининг агробиологик хусусиятлари, технологик хусусиятлари ва биокимёвий таркиби, шунингдек қуритишнинг турли усуллари тадқиқ этиш бўйича тажриба натижалари баён этилган.

Жумладан, ушбу бобнинг «**Сақлашга мўлжалланган ўрик ва шафтоли навларининг терим муддатлари ва жараёнларини ташкил этиш**» деб номланган бўлимида ўрик ва шафтолининг агробиологик хусусиятларини, шунингдек, технологик хусусиятларини тадқиқ қилувчи тажрибалар натижалари келтирилган.

Ўрик навларини маҳсулдорлиги ва сифати 2020-2022 йиллар кесимида таҳлил қилиганда ўрик меваларининг ҳосилдорлиги 1 туп дарахтдаги ҳосилдорлик кўрсаткичи ва гектаридан центнер ҳисобида таҳлил қилинди. Таҳлилга кўра 1 туп дарахтдан олинган ҳосил энг юқори кўрсаткич “Курсадык” навида юқори бўлиб, улар 2020 йилда 45 кг яъни, 90,3 ц/га, 2021 йилда 44,6 кг яъни, 89,4 /га, 2022 йилда 47,3 кг яъни, 94,8 /га мева ҳосили олинди, йиллар кесимида ўртача 45,6 кг ташкил этиб, 91,5 ц/га ташкил қилди. Ўрганилаётган “Шалах” навида 1 туп дарахтдаги ҳосил 2020 йилда 42,0 кг яъни, 151,0 ц/га, 2021 йилда 41,6 кг яъни, 149,5 ц/га, 2022 йилда 44,1 кг яъни, 158,6 ц/га ташкил этди. Таҳлилдаги “Исфарақ” навида 1 туп дарахтдаги ҳосилдорлик 2020 йилда 35 кг яъни, 141,2 /га, 2021 йилда 34,7 кг, яъни, 139,8 ц/га, 2022 йилда 36,8 кг яъни, 148,3 ц/га ташкил қилиб, “Исфарақ” навида ўртача 35,5 кг яъни, 143,1 ц/га ташкил қилди (1-жадвал).

1-жадвал

Ўрик навларининг маҳсулдорлиги (2020-2022 йй.)

Навлар номи	1 туп дарахтдан ҳосил, кг	маҳсулдорлик, ц/га				мева вазни, г
		2020 йил	2021 йил	2022 йил	ўртача	
Исфарақ	35,5±0,4	141,2±2,1	139,8±2,1	148,3±3,0	143,1±1,9	29,6
Шалах	42,6±0,5	151,0±2,8	149,5±2,2	158,6±3,2	153,0±2,1	31,0
Курсадык	45,6±0,5	90,3±1,3	89,4±1,3	94,8±1,4	91,5±1,1	38,5
Хурмаи	40,5±0,4	109,0±1,4	107,9±1,6	114,5±1,7	110,5±1,2	26,9
ЭКФ ₀₅	0,5	4,3	3,2	5,4	1,6	0,3
Sx%	1,3	3,5	2,6	4,2	1,3	0,9

“Хурмаи” навида 1 туп дарахтдаги ҳосил 2020 йилда 40 кг, яъни, 109 ц/га, 2022 йилда 39,6 кг яъни, 107,9 ц/га, 2022 йилда 42 кг яъни, 114,5 ц/га ташкил қилиб, ўртача нав бўйича 40,5 кг ҳосил олинди, 110,5 ц/га ташкил қилганлиги аниқланди. Ўрганиш натижаларига кўра энг юқори ҳосил 1 туп ҳисобида ўртача 45,6 кг ташкил қилган “Курсадык” навида бўлиб, бу навнинг дарахтлари йириклиги, шохларнинг кўплиги ҳисобига 1 тупдаги мевалар Исфарақ навида нисбатан 10 кг, Шалах навида нисбатан 3 кг ва Хурмаи навида нисбатан 5 кг кўп ҳосил олинган. Ҳосилдорлик кўрсаткичи таҳлил қилинганда энг юқори кўрсаткич Шалах навида кузатилиб, яъни, 153 ц/га ташкил қилганлиги,

дарахтнинг экин схемасидаги туб сонининг кўплигига нисбатан Исфарак навига нисбатан 10 ц/га, Курсадык навига нисбатан 62 ц/га, Хурмаи навига нисбатан 42 ц/га кўп ҳосил олинди.

Ўрик мевасининг ўртача вазни таҳлил қилинганда энг юқори массага эга бўлган ўрин нави бу Курсадык бўлиб, унинг бир донасининг ўртача вазни 38,5 г ташкил қилган бўлса, худди шундай Исфарак навида 29,6 г, Шалах навида 31 г, Хурмаи навида 27 г ташкил қилди. Таҳлил натижасига кўра Исфарак навига нисбатан 10 г, Шалах навига нисбатан 7,5 г, Хурмаи навига нисбатан 11,5 г оғир массали ҳосил олинди. Шунинг учун 1 тупдаги ҳосилнинг миқдори бошқа навларга нисбатан бир мунча ортиқ чиқиши аниланди.

Ўрганилган шафтоли навларини ҳосилдорлиги ва сифати 2020-2022 йиллар кесимида таҳлил қилишда шафтоли меваларининг ҳосилдорлиги 1 туп дарахтдаги ҳосилдорлик кўрсаткичи ва гектаридан центнер ҳисобида таҳлил қилинди. Таҳлилга кўра 1 туп дарахтдан олинган ҳосил энг юқори кўрсаткич “Элберта” навида юқори бўлиб, улар 2021 йилда 92 кг яъни, 152,2 ц/га, 2022 йилда 91,1 кг яъни, 150,7 ц/га, 2023 йилда 96,6 кг, яъни, 159,8 ц/га мева ҳосили олинди, йиллар кесимида ўртача 93,2 кг ташкил этиб, 154,2 ц/га ташкил қилди (2-жадвал).

Ўрганилган “Малиновый” навида 1 туп дарахтдаги ҳосил 2021 йилда 64,3 кг яъни, 101,8 ц/га, 2022 йилда 63,7 кг, яъни, 100,8 ц/га, 2023 йилда 67,5 кг яъни, 106,9 ц/га ташкил этди. Таҳлилдаги “Лола” навида 1 туп дарахтдаги ҳосилдорлик 2020 йилда 62,1 кг яъни, 154,0 ц/га, 2022 йилда 61,5 кг яъни, 152,5 ц/га, 2023 йилда 65,2 кг, яъни, 161,7 ц/га ташкил қилиб, “Лола” навида ўртача 62,9 кг яъни, 156,1 ц/га ташкил қилди. Ўрганиш натижаларига кўра энг юқори ҳосил 1 туп ҳисобида ўртача 93,2 кг ташкил қилган “Элберт” навида бўлиб, бу навнинг дарахтлари йириклиги, шохларнинг кўплиги ҳисобига 1 тупдаги мевалар Малиновый навига нисбатан 28 кг, Лола навига нисбатан 31 кг кўп ҳосил олинган. Ҳосилдорлик кўрсаткичи таҳлил қилинганда энг юқори кўрсаткич Лола навида кузатилиб, яъни, 156,1 ц/га ташкил қилганлиги, дарахтнинг экин схемасидаги туб сонининг кўплигига нисбатан Элберта навига нисбатан 2 ц/га, Малиновый навига нисбатан 62 ц/га кўп ҳосил олинди.

2-жадвал

Шафтоли навларининг маҳсулдорлиги (2020-2022 йй.)

Навлар номи	1 туп дарахтдан ҳосил, кг	маҳсулдорлик, ц/га				мева вазни, г
		2020 йил	2021 йил	2022 йил	ўртача	
Элберта	93,2±1,1	152,2±2,2	150,7±2,2	159,8±2,4	154,2±1,8	135,5
Малиновый	65,2±0,8	101,8±1,9	100,8±1,5	106,9±1,6	103,2±1,3	141,1
Лола	62,9±0,7	154,0±2,3	152,5±2,2	161,7±2,4	156,1±1,8	79,2
ЭКФ ₀₅	1,0	4,0	4,1	4,8	1,8	2,0
Sx%	1,4	2,9	3,0	3,4	1,3	1,7

Шафтоли мевасининг ўртача вазни таҳлил қилинганда энг юқори массага эга бўлган шафтоли нави Малиновый бўлиб, унинг бир донасининг ўртача вазни 141,1 г ташкил қилган бўлса, худди шундай Элберта навида 135,5 г, Лола навида 79,2 г ташкил қилди. Таҳлил натижасига кўра Малиновый нави Элберта навига нисбатан 6,5 г, Лола навига нисбатан 62,1 г оғир массали ҳосил олинди. Шунинг

учун 1 тупдаги ҳосилнинг миқдори бошқа навларга нисбатан бир мунча ортиқ чиқиши аниқланди.

Шафтоли мевасининг таркибидаги қуруқ модда миқдорини таҳлил қилганда, ўрганилган навлардан энг қори қанддорлик Малиновий навида 2020-2022 йиллар 24,6; 24,4 ва 25,8 % ташкил қилиб, ўртача 24,9 % ташкил қилиб, энг қори қуруқ модда миқдори шу навда кузатилди. Худди шундай Элберта навида қуруқ модда миқдори ўртача 24,1 % ташкил қилган бўлса, қолган Лола навида 21,5 % ташкил қилганлиги аниқланди. Мева таркибидаги қуруқ модда миқдори таҳлиliga кўра Малиновий навида Элберта навида нисбатан 0,8 %га, Лола навида нисбатан 3,4 % кўплиги аниқланди.

Ўрик меваларини сақлашдан олдин унга дастлабки ишлов бериш жараёни жуда катта аҳамиятга эга ҳисобланади. Ўрик меваси техник етилган пайтда ҳаво ҳарорати юқори даражага етган, шу билан бирга омборларда ҳам ҳавонинг нисбий намлиги бирмунча юқори бўлади. Шу сабабли, сақлаш учун қўйиладиган камераларнинг нисбий намлигини ошириш бўйича тадбирлар амалга оширилади. Биз тажрибаларимизда оддий совитиш камераси ва фаол шамоллатиш тизимига эга бўлган камераларда ҳавонинг нисбий намлигини ростлаш учун тадбирларни амалга оширдик (3-жадвал).

3-жадвал

Ўрик меваларини дастлабки совитиш давомийлигини совуқхонадаги ҳавонинг нисбий намлигига таъсири (2020-2022 йй.)

Совутиш вақти, мин	Ҳавонинг нисбий намлиги, %							
	оддий совутиш				оддий совутиш + фаол шамоллатиш			
	Ўрик навлари							
	Исфарақ	Шалах	Кўрсодиқ	Хурмаи	Исфарақ	Шалах	Кўрсодиқ	Хурмаи
0	65	65	65	65	65	65	65	65
40	70	68	69	67	78	70	71	69
80	74	71	73	69	85	75	77	73
120	78	74	77	71	88	80	83	80
160	82	77	81	75	90	85	89	87
200	85	80	85	79	95	95	95	95
240	88	83	89	83				
280	89	86	93	87				
320	92	89	94	91				
360	95	95	95	95				

Ўрик мевасини дастлабки совитиш жараёни оддий совитиш камерасида совитилганда ҳавонинг нисбий намлигини 95% фоизга келтириш учун қанча вақт сарфланиши бўйича тажрибаларда барча навлар учун 360 дақиқа керак бўлди. Жараён босқичлари бўйича таҳлилларда эса, турли навлар учун турлича кетма кетлик кузатилди. Жумладан, Исфарақ навида оддий совитиш тизимли камераларда 80 минутдан кейин нисбий намлик 65% дан 74 % кўтарилган бўлса, Шалах навида 71%, Кўрсодиқ навида 73%. Хурмаи навида эса 69% бўлиши кузатилди.

Худди шу жараён фаол шамоллатиш тизими билан жиҳозланган совутиш камерасида амалга оширилганда жараён кескин тезлашганлиги кузатилди. Барча

навлар учун нисбий намликни 65% дан 95% кўтариш учун 200 дақиқа вақт сарфланди. Бу усулда ҳам навларнинг индивидуал хусусиятлари сабабли нисбий намликни ошиб бориш динамикаси турли навларда ҳар хил бўлиши намоён бўлди.

Дастлабки совутиш жараёнида меваларнинг ўртача ҳарорати йиғиб -териб олинган пайтда 28°C бўлган бўлса, уларнинг ҳароратини 2°C тушириш учун ўрик мевалари учун 360 дақиқа сарфланди. Фаол шамоллатиш тизими билан жиҳозланган совутиш камерасида эса 160 дақиқа сарфланди. Бунда ҳам жараённинг жадаллиги навлар кесимида турлича бўлди.

4-жадвал

Ўрик меваларини дастлабки совутиш давомийлигини совуқхонадаги меванинг ҳароратига таъсири (2020-2022 йй.)

Совутиш вақти, мин	Меванинг ҳарорати, °C							
	оддий совутиш				оддий совутиш +фаол шамоллатиш			
	Ўрик навлари							
	Исфарақ	Шалах	Кўрсодиқ	Хурмаи	Исфарақ	Шалах	Кўрсодиқ	Хурмаи
0	28	28	28	28	28	28	28	28
40	26	25	26	25	20	19	21	18
80	22	23	24	21	12	13	14	12
120	18	19	20	18	6	8	7	6
160	14	16	18	16	2	2	2	2
200	10	14	16	12				
240	8	9	12	9				
280	6	7	8	7				
320	4	5	4	4				
360	2	2	2	2				

Жумладан, Оддий совутиш камерасида Шалах навига мансуб меваларни дастлабки совутишда 120 дақиқадан сўнг ҳарорат 28°C дан 19°C тушган бўлса, Кўрсодиқ навида 20°C, Хурмаи навида эса 18°C тушганлиги кузатилди. Худди шу тенденция фаол шамоллатиш тизими билан жиҳозланган совутиш камерасида ҳам такрорланди (4-жадвал).

Тажрибалар учун танлаб олинган ўрик навларини дастлабки совутиш жараёнида камерадаги ҳавонинг нисбий намлигининг ҳароратни пасайиш вақти давомийлига таъсирини ўрганиш бўйича ҳам тажрибалар олиб борилди. Бунда, омборхонадаги совутиш камерасининг нисбий намлиги 85, 90, 95% бўлган вариантлар асосида оддий совутиш камераси ва фаол шамоллатиш тизими билан жиҳозланган совутиш камерларида олиб борилди.

Шунингдек, фаол шамоллатиш тизими билан жиҳозланган совутиш камерасида ҳам жараёнлар тезлашиши қайд этилди. Бу камерада дастлабки совутиш амалга оширилганда ҳавонинг нисбий намлиги 85% бўлган шароитда ҳароратни 2°C тушириш учун 200 дақиқа вақт сарф бўлди. Ҳавонинг нисбий намлиги 90% бўлганда эса 160 дақиқада ҳарорат зарур бўлган меъёргача пасайди. Совутиш камераси ичида ҳавонинг нисбий намлиги 95% бўлганда эса ҳароратни 2°C туширгунга қадар 120 дақиқа вақт сарфланди.

Диссертациянинг “Ўрик ва шафтоли меваларининг технологик,

биокимёвий хусусиятлари ва иқтисодий самарадорлиги” деб номланган тўртинчи бобида ўрик ва шафтоли меваларини сақлашда биопрепаратларни қўллашнинг таъсирини ўрганиш бўйича тадқиқот натижалари баён этилган.

Ўрик ва шафтоли меваларини олдиндан совутишга ва кимёвий ишлов беришга ихтисослаштирилган ва ихтисослаштирилмаган ҳарорат ҳамда нисбий намлик бошқариладиган совуткичли омборларда турли усулларда сақлаганда унинг органолептик ва товарбоплик хусусиятларининг ўзгариши ўрганиш бўйича ҳам тажрибалар олиб бордик. Бунда Ўрик ва шафтоли мевалари сақлаш камерасида стандарт ҳарорат (1,5-3°C)да ва ҳавонинг нисбий намлиги 90-95 % бўлган шароитда сақлаганда фумигантлар билан ишлов берилмасдан ва олдиндан совутмаган ҳолда сақлагандаги сифат кўрсаткичларини аниқлаш бўйича изланишлар олиб борилди (5-жадвал).

Юқорида таъкидлаб ўтилгани каби данакмевалилар, жумладан ўрик ва шафтоли мевалари сақлаш учун чидамсиз ҳисобланади. Шу сабабли уларнинг сақланувчанлигини узайтириш мақсадида ҳозирда ишлаб чиқаришда муваффақиятли қўлланилаётган 20% плескилл 200г/1 кг тиабендазол фумиганти ва метилциклопропен бирикмаси (1-МСП) препарати билан ишлов беришнинг самарадорлиги аниқланди.

5-жадвал

Ўрик ва шафтоли меваларини ҳар хил ишлов берилиб, 20 кун давомида совутиш камерасида сақлагандан кейинги ҳолатдаги органолептик баҳоси, балл (2020-2022 йй.)

Навлар номи	Янгилигида	Оддий усулда	20 % плескилл 200г/1 кг тиабендазол фумигантлар	1-МСП
Ўрик навлари				
Исфарақ	96,4	73,3	87,7	89,7
Курсодик	97,2	73,9	88,5	90,4
Хурмаи	94,6	71,9	86,1	88,0
Шалах	95,5	72,6	86,9	88,8
Шафтоли навлари				
Элберта	94,8	72,0	86,3	88,2
